

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 75-ҳадис

75 - وَعَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَا مِنْ امْرِيٍءٍ مُسْلِمٍ تَخْضُرُهُ صَلَاةٌ مَكْتُوبَةٌ فَيُحْسِنُ وُضُوءَهَا، وَحُشْوَعَهَا، وَكُووعَهَا، إِلَّا كَانَتْ كَفَارَةً لِمَا قَبْلَهَا مِنَ الذُّنُوبِ مَا لَمْ تُؤْتَ كَبِيرَةً، وَذَلِكَ الدَّهْرُ كُلُّهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Қайси бир мусулмон киши фарз намозини адо этишга ҳозирланиб, таҳоратини чиройли қилиб, намозидаги хушуъ ва рукуъларини чиройли адо этса, аввал содир этган гуноҳларига каффорат бўлади, бу орада катта гуноҳ содир этмаган бўлса. Бу ҳолат ҳар замон шундай давом этгувчиdir», деб айтганларини эшитдим.

Ином Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда, беш маҳал фарз намозни адо этиш, унинг арконларини қалб ҳозирлиги ва тана аъзоларининг хушуъси билан адо этишга тарғиб бор.

Банда аzonни эшитиб, намоз вақти бўлгач, таҳорат олса ва таҳоратини гўзал суратда амалга оширса, таҳорат ўринларига исроф қилмасдан сув етказса, Роббисига қалби билан хушуъ қилган ҳолда юзланса, намози ила Роббисининг афвига кўз тутиб, Унинг ҳузуридаги савобга умид қилиб, намозни рукуъ ва саждаларни мукаммал тарзда адо қилса, Аллоҳ таоло бу солиҳ амаллари сабабли кичик гуноҳ ва ёмонликларини кечириб юборади. Агар улкан гуноҳларни содир этмаган бўлса. Бу нарса бутун йил давомида шу тарзда кечади, яъни, бомдод намозидан кейинги содир бўлган кичик гуноҳлар пешин намози мукаммал ва ихлос ила адо этилиши сабабидан кечирилади, аср намози пешиндан кейин асргача бўлган кичик гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлади ва ҳаказо..

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Намозни ўз вақтида адо этишнинг аҳамияти.
2. Намознинг мукаммал таҳорат ва хушуъ ила адо этиш каби шартлари бордир.
3. Тўғри ўқилган, мақбул намоз гуноҳлар учун каффоратдир.
4. Фарз намозларнинг адо этиб борилиши йил давомида банда томонидан содир бўладиган кичик гуноҳларни ўчирувчидир.

Манба: hadis.islom.uz

